

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАДЖАНОВА ТУЙҒУНОЙ АҲМАДЖАНОВНА

МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.11– Маркетинг

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in
Economic Sciences**

Мамаджанова Туйғуной Аҳмаджановна

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ривожлантиришнинг
маркетинг стратегиясини такомиллаштириш 3

Мамаджанова Туйғуной Аҳмаджановна

Совершенствование маркетинговой стратегии развития экспорта
плодоовощной продукции..... 27

Mamadjanova Tuugunoy Ahmadjanovna

Improvement of the marketing strategy of development of fruit
and vegetable export..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАДЖАНОВА ТУЙҒУНОЙ АҲМАДЖАНОВНА

МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.11– Маркетинг

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Iqt53 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdiu.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Болтабаев Маҳмуджон Рустамович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Гулямов Саидахроп Саидахмедович
иқтисодиёт фанлари доктори, академик

Исаев Равшан Абдурахмонович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик - технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ куни соат__ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

Б.Ю.Ходиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., профессор

А.Н.Самадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, и.ф.н., доцент

М.А. Маҳкамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотлари ташқи савдосини ривожлантириш асосида мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш, экспорт имкониятларини кенгайтиришга қаратилган маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқаро озиқ-овқат хавфсизлиги ташкилоти (FAO)нинг баҳолашича, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жаҳон экспорти ҳажми 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 0,6 фоизга ошиб, жами товарлар савдосининг 7,8 фоизини ташкил этган. Жаҳон бозорида мева-сабзавот маҳсулотлари йиллик экспорти 2017 йилда 180,0 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, у асосан, Нидерландия, АҚШ, Испания, Хитой ва Бразилия сингари ривожланган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келмоқда¹.

Жаҳон мамлакатларида мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ривожлантириш бўйича «оммавий маркетинг», «паст харажатлар», «нарх бўйича устунлик» каби маркетинг стратегияларига асосланган илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Хозирги кунда халқаро амалиётда мева-сабзавот маҳсулотлари истеъмолчининг кескин ошиб бориши натижасида экспортни ривожлантиришнинг «диверсификация», «интеграцион ўсиш», «нисбий устунликни ошириш», «коммуникация» сингари стратегияларини қўллаш асосида ташқи бозорларга чиқиш ва экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш асосий илмий тенденциялардан ҳисобланади.

Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, қарам ва бошқа кўплаб мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича дунёдаги етакчи ўн та давлатдан бирига айланди. Аммо эришилаётган натижаларга қарамай, мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, ички ва ташқи бозорларга сотиш бўйича маркетинг тадқиқотлари талаб даражасида эмаслиги, хорижий бозорларга кириш бўйича маркетинг стратегиялари ишлаб чиқилмаганлиги мамлакатнинг халқаро бозорлардаги рақобатбардошлигини сақлаб қолиш имконини бермаяпти. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш»² вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларнинг ижросини таъминлаш республикамиз мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт салоҳиятини оширишнинг маркетинг стратегиясини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

¹ Market Analysis and Research, International Trade Centre (ITC). 2017. <http://www.trademap.org/>, www.fao.org

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони //Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль.

стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 21 июндаги «Маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3077-сонли, 2017 йил 6 ноябрдаги «Мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, куритилган сабзавот ва меваларни маҳаллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3377-сонли ҳамда 2018 йил 17 октябрдаги «Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3978-сонли қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилишнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш масалалари хорижлик олимлар: Л.Цфу, Ц.Фан, Л.Чжоу, Ф.Котлер, О.Уолкер, Б.Баласса, П.Дойль, С.Бойнец, И.Ферто, Л.Де Бенедиктис., У.Уткулу, Д.Сеймен., Г.Варела, Т.Л.Воллрат³ ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишнинг маркетинг стратегиялари масалалари И.Н.Буздалов, А.Данкевич, Е.Оглоблин, И.Санду, И.Г.Ушачев Л.В.Агаркова, Г.Г.Абрамишвили, Г.П.Абрамова, Л.В.Балабанова, И.В. Рябчик, И.А.Баранов, Н.А.Попов⁴ ва бошқаларнинг тадқиқотларида кенг баён қилинган. Кўрсатиб ўтилган тадқиқотчиларнинг иқтисодий фанига қўшган салмоқли ҳиссасига қарамай, уларда мева-сабзавот маҳсулотларини хорижий бозорларга

³ Лин Цфу, Цой Фан, Ли Чжоу. Китайское чудо: экономическая реформа, стратегия развития. –М., 2001. –68 с.; Котлер Ф. Основы маркетинга: Пер. с англ. – М.: Издательский дом «Вильямс», 2011. – 944с.; Уолкер О.мл. Бойд Х.-мл., Ларше Ж.-К., Маллинз Дж. Маркетинговая стратегия. Курс МВА. – М.: Вершина, 2006. – 496 с. Дойль П. Маркетинг-менеджмент и стратегии / 3-е изд. Пер. сангл. Подред.Ю. Л. Каптуревского. – СПб: Питер, 2003. – 544 с. Balassa B. (1965). Trade Liberalization and 'Revealed' Comparative Advantage. The Manchester School, 33, 99-123, Wojnes S., Ferto I. Agri-food export competitiveness in European Union countries. *Journal of Common Market Studies*, 53(3), 476–492. DOI: 10.1111/jcms.12215–2015, De Benedictis, L., Utkulu U., Seymen D. (2004). Revealed Comparative Advantage and Competitiveness: Evidence for Turkey vis-à-vis the EU/15. European Trade Study Group 6th Annual Conference, ETSG 2004, Nottingham, September 2004.; Varela G., J. (2013). Export Diversification in Twelve European and Central Asian Countries and the Role of the Commodity Boom. Policy Research Working Paper 6472, World Bank.; Vollrath T.L. (1991). A Theoretical Evaluation of Alternative Trade Intensity Measures of Revealed Comparative Advantage. *Weltwirtschaftliches Archiv*, 130 (2), 263.

⁴ Буздалов И.Н. Аграрная реформа в России (концепции, опыт, перспективы). –М., 2000. – 325 с.; Данкевич А. Закономерности экономического развития (проблемы методологии). –М.: Экономист. 2011-№11. – 175 с.; Оглоблин Е. Развитие научно-исследовательских институтов и их деятельность в условиях рыночной экономики. –М.: Наука. 2005. – 332 с.; Санду И.С. Производственные и научно-производственные системы - эффективная форма интеграции науки и производства. –М., 2000. – 73 с.; Ушачев И.Г. Научное обеспечение государственных программ развития сельского хозяйства России. – М., 2016. – 239 с.; Агаркова Л.В. Формирование механизма устойчивого развития плодоовощного подкомплекса: теория и практика. – Ставрополь: Ставролит, 2010. –168 с.; Баранов И.А. Совершенствование коммерческой работы торговых и заготовительных организаций потребительской кооперации. Автореф.дисс. д-ра экон. наук. – М.: РГБ, 2003. – 39 с.; Попов Н.А. Экономика сельского хозяйства. –М.: Дело и Сервис, 2015. – 56 с.

экспорт қилишнинг таркибий ва функционал жиҳатлари етарлича инобатга олинмаган

Республикамизнинг етакчи иқтисодчи олимларидан: С.С. Ғуломов, А.Ш. Бекмуродов, Д.Мухиддинов, А.Солиев, Н.Қ. Йўлдошев, М.С. Қосимова, А.А. Фаттахов, И.И. Иватов, М.Р. Болтабаев, Г.Н. Ахунова ва бошқаларнинг⁵ тадқиқот ишлари товарлар ва хизматлар бозорини ривожлантириш маркетинг стратегиясининг илмий-назарий асосларини яратишга қаратилган бўлиб, муаллифлар экспорт маркетинги назариясини янги маълумотлар билан бойитиб, хорижий бозорларга кириб боришнинг умумий муаммоларини илмий тадқиқ этган. Шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш тизими, экспорти ва маркетинг стратегиясини ривожлаштириш масалаларининг назарий-услубий асослари Ш.Дж. Эргашходжаева, З.Ж. Адилова Н.Р.Асадулина, У.П. Умурзаков, Х.С. Хушвақтова ва У.С.Мухиддинованинг илмий ишларида ўрганилган⁶.

Маҳаллий олимларимиз мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, ташиш ва сақлаш тармоқларини ривожлантириш, ички бозорларда сотиш муаммоларининг илмий ечимига қаратилган тадқиқотлар олиб борганлар. Бироқ, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга мос равишда унинг экспортни оширишга қаратилган маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш, халқаро бозорларга фаол кириб бориш, унда ўз улушини ошириш орқали рақобатбардошликни таъминлаш муаммолари етарлича тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1-161-рақамли «Халқаро стандартларни жорий қилиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш услубиётини такомиллаштириш» мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар лойиҳаси доирасида бажарилган.

⁵ Бекмуродов А.Ш. Эффективность маркетинга средств производства предприятий. дисс.на соик.учен.степ.доктора экон.наук.– Т.,1993г-308стр.; Касимова М.С. Развитие социальной сферы Узбекистана в период перехода на рыночные отношения в условиях самостоятельности и независимости. дисс.на соик.учен.степ.доктора экон.наук.– Т.,1992г.; ФаттаховА.А. Улгуржи савдода маркетинг стратегияси ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари. икт. фан. докт. илм. дар. олиш учун ёзилган дис.–Т.; 2006.-250б., ИватовИ.И. Ўзбекистон деҳқон бозорида маркетинг фаолиятини ривожлантиришнинг истикболлари. икт. фан. докт. илм. дар. олиш учун ёзилган дис. – Т., 2003 Болтабаев М.Р. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси. икт. фан. докт. илм. дар. олиш учун ёзилган дис. – Т., 2005.-342б.

⁶ Умурзаков У.П. Пути повышения эффективности использования ресурсного потенциала аграрного сектора экономики (на материалах Республики Узбекистан). Автореф. дисс. на соис. учен. степ. д-ра экон. наук.– Т., 2003.-43 с.; Хушвақтова Х.С. Бозор шароитида мева-сабзавот кичик мажмуасида агросаноат интеграциясини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий муаммолари. Икт. фан. ном. илм. дар. олиш учун ёзилган дис.автореф.– Т., 2005.-25 б; Асадулина Н.Р. Механизм регулирования эффективности плодовоовощного комплекса Республики Узбекистан на основе логистического подхода. Дисс. на соис. учен. степ. канд. экон. наук. – Т., 2006. -158 с.; Эргашходжаева Ш.Дж. Бозор рақобати шароитида қишлоқ жойларида кооперацияни ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси. Икт. фан. докт. илм. дар. олиш учун ёзилган дис. – Т., 2007.-335 б.; Адилова З.Ж. Халқаро бозорларга экспорт маҳсулотларини йўналтиришнинг маркетинг стратегияси. икт. фан. докт. илм. дар. олиш учун ёзилган дис. – Т., 2008.-325 б.; МухиддиноваУ.С. Мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари бозори ва унинг иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш шароитларида фаолият кўрсатиш самарадорлиги икт. фан. докт. илм. дар. олиш учун ёзилган дис. – Т., 2009.-174 б.

Тадқиқотнинг мақсади мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ривожлантиришнинг маркетинг стратегиясини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

илғор хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш асосида мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт салоҳиятини оширишнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишни илмий-назарий жиҳатдан асослаш;

мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишда халқаро маркетинг стратегияларидан фойдаланиш имкониятларини белгилаш;

Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларининг ташқи бозорлардаги устунлигини аниқлаш асосида талабни шакллантириш йўналишларини белгилаш;

мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш имкониятларини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш;

хорижий бозорларда Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган талабни шакллантириш ва самарали йўналтириш стратегияларини ишлаб чиқиш;

мева-сабзавот маҳсулотлари экспортига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва экспорт ҳажмини эконометрик моделлар асосида прогнозлаш;

мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи бозор субъектларининг рақобатда устунлигини таъминлашга қаратилган халқаро маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги корхоналарнинг маркетинг фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ривожлантиришнинг маркетинг стратегиясини такомиллаштириш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида статистик таҳлил, омилли таҳлил, SWOT таҳлил, сўров, танланма кузатув, график талқин, корреляцион-регрессион таҳлил сингари усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт имкониятларини баҳолашнинг индекс усули жаҳон савдосида рақобатчилик шароитида нисбий устунликни таққословчи Баласса индекси асосида такомиллаштирилган;

мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ривожлантиришнинг халқаро маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишнинг услубий ёндашуви «истеъмолчи талаби-корхона имконияти» матрицасини қўллаш асосида такомиллаштирилган;

мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт имкониятларини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми сотишни рағбатлантириш, жамоатчилик билан алоқа, директ-маркетинг ва шахсий савдо сингари халқаро маркетинг стратегияларидан фойдаланиш асосида такомиллаштирилган;

мева-сабзавот маҳсулотлари халқаро бозорида янги салоҳиятли харидорларни жалб этишга қаратилган маркетинг стратегияси самарали

йўналтирилган ва интеграциялашган маркетинг коммуникацияси дастуридан фойдаланиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мева-сабзавот маҳсулотларининг нисбий устунлигини Баласса индексидан фойдаланиб аниқлаш асосида мамлакатнинг халқаро бозорлардаги экспорт имкониятлари баҳоланган;

маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишда махсус «истеъмолчи талаби-корхона имконияти» матрицасидан фойдаланиш асосида тармоқ учун истиқболли бозорларга кириш вариантларини танлаш услуги таклиф этилган;

мева-сабзавот корхоналарида маркетинг коммуникацияси воситаларидан самарали фойдаланиш асосида миллий ва халқаро бозорларда талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш стратегиясининг амал қилиш механизми чора-тадбирлари режаси ишлаб чиқилган;

халқаро мева-сабзавот маҳсулотлари бозорида самарали йўналтирилган ва интеграциялашган маркетинг коммуникацияси дастуридан фойдаланиш асосида янги салоҳиятли харидорларни жалб этишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари ишончлилиги илғор хориж тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш, мева-сабзавот тармоғида халқаро маркетинг стратегияларини шакллантиришни такомиллаштириш борасидаги мавжуд илмий тадқиқот ишларини қиёсий ва танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, ахборотлар базаси миллий ва халқаро нуфузли ташкилотларнинг расмий манбалари асосида шаклланганлиги ва уларни самарали таҳлил усулларида фойдаланиш орқали қайта ишланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маркетинг стратегияларини шакллантириш ҳамда улардан келгусида мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи корхоналар экспорт фаолиятини ривожлантиришга бағишланган махсус стратегик дастурлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни республикамизда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчи корхоналар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш, хорижий бозорларга йўналтирилган маркетинг стратегияларини шакллантиришда қўллаш мумкинлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларидан «Стратегик маркетинг», «Халқаро маркетинг» ва «Маркетинг тадқиқотлари» фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ривожлантиришнинг маркетинг стратегиясини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

жаҳон савдосида рақобатчилик шароитида нисбий устунликни таққословчи Баласса индекси асосида такомиллаштирилган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт имкониятларини баҳолашнинг индексли усули Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Яшнобод инновацион технопарки резиденти ҳисобланган «Agro techno» МЧЖ ва «Baikal-КМУ» МЧЖ фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2018 йил 29 октябрдаги 02-13/4097-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларни «Agro techno» ва «Baikal-КМУ» масъулияти чекланган жамиятлар фаолиятига татбиқ этилиши натижасида 2018 йилнинг биринчи ярим йиллигида 32,8 млн. сўм қўшимча даромад олишга эришилган;

мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ривожлантириш халқаро маркетинг стратегиясининг «истеъмолчи талаби-корхона имконияти» матричасини қўллаш асосида такомиллаштирилган услубий ёндашуви Сурхондарё вилояти Қизириқ туманидаги мева-сабзавотчиликка ихтисослашган «Бандихон экспериментал» хўжалиги фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 11 ноябрдаги 01/025-406-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида Сурхондарё вилояти Қизириқ туманидаги мева-сабзавотчиликка ихтисослашган «Бандихон экспериментал» хўжалигида 2017 йилда мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми 8,9% га ортиб, қўшимча 53,4 млн. сўм даромад олинган;

мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт имкониятларини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини амалга оширишни рағбатлантириш, жамоатчилик билан алоқа, директ-маркетинг ва шахсий савдо сингари халқаро маркетинг стратегияларидан фойдаланиш асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 11 ноябрдаги 01/025-406-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлардан ҳудудий мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт фаолиятини амалга оширувчи корхоналар самарадорлигини ошириш бўйича меъёрий ҳужжатлар ҳамда ҳудудий давлат дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган;

мева-сабзавот маҳсулотлари халқаро бозорида янги салоҳиятли харидорларни жалб этишга қаратилган маркетинг стратегиясини самарали йўналтирилган ва интеграциялашган маркетинг коммуникацияси дастуридан фойдаланиш асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Наманган вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 11 ноябрдаги 01/025-406-сон ва Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Қишлоқ хўжалиги бўлимининг 2018 йил 20 октябрдаги 01/405-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларни «Cold Fresh» масъулияти чекланган жамият фаолиятига жорий этиш натижасида 2018 йилнинг 2-чорагида гилос маҳсулотларини экспорт

қилиш ҳажми 5,9% га ортган ва 19,8 минг АҚШ доллари миқдорида қўшимча даромад олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация иши мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 10 та илмий мақола (8 таси маҳаллий ва 2 таси хорижий журналларда), халқаро ва республика илмий-амалий конференция тўпламларида 24 та маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 148 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ҳамда тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Мева-сабзаот маҳсулотлари экспортида маркетинг стратегиясини шакллантиришнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида мева-сабзаот маҳсулотлари экспорт салоҳиятини оширишга йўналтирилган маркетинг стратегиясини шакллантиришнинг илмий-назарий асослари, шунингдек, мазкур соҳадаги илғор хориж тажрибалари ўрганилган, умумлаштирилган ва ўзига хос хусусиятларига баҳо берилган.

Мева-сабзаот маҳсулотларини етиштириш, ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш соҳаларининг жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини таъминлашнинг асосий шартлари эса маркетинг стратегияларидан самарали фойдаланишдир.

Муаллифнинг фикрича, маркетинг амалиётида стратегия ва тактикани ишлаб чиқиш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Маркетинг стратегияси корхонанинг бозор фаолияти ҳамда ўзаро муносабатларида асосий ўрин эгаллайди.


Диссертацияда мева-сабзаот маҳсулотлари бозорининг хўжалик юритиш шакллари, ишлаб чиқарилаётган ва сотилаётган маҳсулот характери билан боғлиқ айрим ўзига хос жиҳатлари кўрсатиб берилган.

Мева-сабзаот маҳсулотлари турларининг истиқболда ривожланиши, аввало, овқатланиш рационалида мева, сабзаот ва полиз маҳсулотлари улушининг ошиб бориши сингари омилларга боғлиқ. Кичик корхоналар

турларининг кўпайиши ва инфратузилма тармоқларининг бирлашиши асосида кўшимча қийматга эга маҳсулот турларини ишлаб чиқарувчи тузилмаларни ташкил этиш самарали ҳисобланади. Бундай шароитда барча бўғинларнинг ривожланишида мутаносиблик, улар фаолиятининг бир маромдалигини таъминлаш ҳамда улар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш ва маркетинг стратегияларидан самарали фойдаланиш зарур.

Маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишдан асосий мақсад бозордаги рақобат муҳитини ҳисобга олган ҳолда корxonанинг қаерда, қачон ва қай даражада бозор фаолиятини олиб бориши бўйича қарор қабул қилиш жараёнини аниқлашдан иборат. Шу боисдан, хорижий бозорга чиқишда ҳар бир компаниянинг маркетинг стратегияси бозорда кўзланган мақсадига, унда самарали фаолият юритиш, брендини ривожлантириш ҳамда маркетинг микс элементларидан фойдаланишга қаратилиши лозим.

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ривожлантиришнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш тартибларининг ташкилий механизми таклиф этилди (1-расм).



1-расм. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ривожлантиришнинг маркетинг стратегиялари⁷

⁷ Муаллиф ишланмаси.

Мева - сабзаёт маҳсулотлари экспорт стратегиясини ишлаб чиқишда маркетинг микс элементлари билан бирга кадрлар стратегияси масаласини ҳам қўшиш таклиф этилади.

Жаҳон мамлакатларида мева ва сабзаёт маҳсулотлари билан савдо қилиш даромадли бизнес ҳисобланади. Халқаро иқтисодий қиёсловларда мева ва сабзаёт маҳсулотлари истеъмол даражасининг юқорилиги мамлакат иқтисодиёти ривожланганлигини белгиловчи омиллар қаторига киритилган. Мева-сабзаёт маҳсулотларининг аҳоли жон бошига истеъмол даражасининг ўзгариши аҳоли турмуш даражасини кўрсатади. Ушбу маҳсулотлар истеъмол даражаси 2017 йилда киши бошига АҚШда 295,2 кг, ЕИда 278,8 кг ва Японияда 265,1 кг ни ташкил қилиб, бу кўрсаткичлар бошқа давлатларга нисбатан юқоридир⁸.


Диссертацияда мева-сабзаёт маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилиш соҳасидаги халқаро маркетинг стратегиялари ривожланган мамлакатлар тажрибалари мисолида ўрганилиб, улардан республикада амалиётда фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Мева-сабзаёт маҳсулотлари экспортида маркетинг фаолиятини ривожлантириш ва стратегияларини замонавий тенденциялари таҳлили**» деб номланган иккинчи бобда Ўзбекистонда мева-сабзаёт маҳсулотлари ишлаб чиқариш, экспорт салоҳиятининг ривожланиши ва маркетинг фаолияти ҳолати таҳлил қилинган. Мева-сабзаёт маҳсулотлари экспортига таъсир этувчи омиллар эконометрик моделлар ёрдамида таҳлил қилиниб, экспорт ҳажми прогнози амалга оширилган. Ўзбекистоннинг мева-сабзаёт маҳсулотлари ташқи бозорларидаги устунлиги таққосланиб, рақобатбардошлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда етиштирилаётган 180 дан ортиқ мева-сабзаёт маҳсулотлари табиий кўринишда ва қайта ишланган ҳолатда дунёдаги 80 та мамлакатга экспорт қилинмоқда. Республика ташқи савдо айланмаси 2017 йилда 26,9 млрд. АҚШ долларига тенг бўлиб, унинг 13,9 млрд. АҚШ доллари ёки 51,8 фоизи экспортга ҳамда мазкур экспортнинг 4,2 фоизи (592,6 млн. АҚШ долл.) мева-сабзаёт маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келган. Республикада экспорт самарадорлигини ошириш бўйича кўрилган чора-тадбирларга қарамай, 2010 йилда ЯИМнинг 2,8 фоизи мева-сабзаёт маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келган бўлса-да, 2017 йилга келиб, бу кўрсаткич 0,8 фоизни ташкил этган (2-расм).

Мева-сабзаёт маҳсулотлари корхоналарида маркетинг хизматининг ривожланиш ҳолатига мазкур соҳадаги мулкчилик муносабатларида рўй берган ўзгаришлар ҳам таъсир этади. Хусусан, ушбу соҳада хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши маркетинг стратегиялари ривожланишига кўмаклашади. Мева-сабзаёт маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги, уларнинг тез бузилиши, истеъмолчиларининг фарқли хусусиятга эга эканлиги мазкур соҳада маркетинг фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос мураккаб жараён эканлигидан далолат беради.

⁸ Market Analysis and Research, International Trade Centre (ITC). 2017. <http://www.trademap.org/>, www.fao.org



2-расм. 2010-2017 йилларда Ўзбекистоннинг мева-сабзавот маҳсулотлари экспортдаги ўзгаришлар⁹

Муаллиф фикрича, мева-сабзавот маҳсулотлари бозорида фаолият юритувчи маҳаллий корхоналарнинг маркетинг тизимини шакллантириш тизими ҳозирча юқори даромадли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадларига эришишга тўлиқ қаратилган эмас. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти билан шуғулланувчи корхона ўзи халқаро маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш учун, аввало, мамлакатларнинг жаҳон бозорларидаги устунлигини баҳолай олиши зарур.

Шунинг учун диссертацияда бугунги кунда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти бўйича етакчи ўринда турган мамлакатимиз асосий ҳамкорларидан бўлган Россия ва Қозоғистон давлатлари бўйича натижалар ўрганилган (1-жадвал). 2005 йилда Россияда мева маҳсулотлари умумий импорти ҳажми 2134,7 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, унинг 205,9 млн.доллари. (9,6%), 2017 йилда 4677,7 АҚШ долларининг 83,3 млн. доллари ёки 1,8 фоизи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келган. Сабзавот маҳсулотлари умумий импорти бўйича ҳам 2005 йилда 723,0 млн. АҚШ долларининг 110,9 млн.доллари (15,3%), 2017 йилда 1794,8 млн. АҚШ долларининг 75,1 млн. АҚШ доллари (4,2%) Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келган. Маълумотлардан кўриниб турибдики, 2017 йилда Россияда мева-сабзавот маҳсулотлари умумий импорти миқдори мос равишда 2,19 марта ва 2,48 марта ортганига қарамай, умумий импорт ҳажмида Ўзбекистон мева маҳсулотларининг ҳиссаси 9,6 дан

⁹ <https://data.worldbank.org/indikator/NY.GDP.MKTP.CD?locations=UZ&view=chart> ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

1,8 фоизга, сабзавот маҳсулотлари 15,3 дан 4,2 фоизга камайганлигини кузатиш мумкин.

1-жадвал

2005 ва 2017 йилларда Россия ва Қозоғистоннинг мева-сабзавот маҳсулотлари импортида Ўзбекистоннинг тутган ўрни¹⁰

РОССИЯ БОЗОРИ				ҚОЗОҒИСТОН БОЗОРИ			
2005 й.		2017 й.		2005 й.		2017 й.	
МЕВА				МЕВА			
Ҳамкор давлатлар	жамига нисбаган, %да	Ҳамкор давлатлар	жамига нисбаган, %да	Ҳамкор давлатлар	жамига нисбаган, %да	Ҳамкор давлатлар	жамига нисбаган, %да
	100		100		100		100
Эквадор	19,4	Эквадор	23,4	Эквадор	32,5	Ўзбекистон	54,7
Туркия	9,9	Туркия	17,4	Хитой	14,6	Хитой	11,7
Ўзбекистон	9,6	Хитой	7,8	Россия	6,9	Польша	8,7
Аргентина	7,3	Сербия	5,6	Марокко	5,8	Эрон	5,7
Хитой	6,4	Ўзбекистон	1,8	Ўзбекистон	0,2	Россия	3,6
Бошқа давлатлар	47,4	Бошқа давлатлар	44,0	Бошқа давлатлар	40,0	Бошқа давлатлар	15,6
САБЗАВОТ				САБЗАВОТ			
Хитой	16,4	Хитой	27,7	Россия	56,7	Хитой	31,1
Ўзбекистон	15,3	Азарбейжон	11,6	Нидерландия	9,0	Тожикистон	5,4
Польша	12,3	Исроил	10,1	Эрон	5,5	Россия	4,4
Қозоғистон	9,4	Миср	10,0	Туркия	4,9	Польша	1,9
Туркия	9,1	Ўзбекистон	4,2	Ўзбекистон	2,6	Ўзбекистон	1,4
Бошқа давлатлар	38,5	Бошқа давлатлар	36,4	Бошқа давлатлар	21,3	Бошқа давлатлар	55,8

Қозоғистонда 2005 йилда мева маҳсулотлари умумий импорти ҳажми 27,8 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, унинг 0,055 млн.долл. (0,2%), 2017 йилда 437,2 млн. АҚШ долларининг 239,1 млн. АҚШ доллари (54,7%) Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келган. Сабзавот маҳсулотлари умумий импорти бўйича ҳам 2005 йилда 4,7 млн. АҚШ долларининг 0,12 млн.доллари ёки 2,6%и, 2017 йилда 158,3 млн. АҚШ долларининг 2,15 млн.доллари ёки 1,4%и Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келган. Қозоғистон республикасининг умумий импорт ҳажмида Ўзбекистон мева маҳсулотлари қарийб 55,0% улушга эга бўлса-да, сабзавот маҳсулотларининг ҳиссаси 2,6 фоиздан 1,4 фоизга камайганлиги аниқланди.

¹⁰ COMTRADE (2018) маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Тадқиқот натижаларига кўра, экспорт фаолиятида маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишда рақобатда нисбий устунликларни аниқлаш бўйича халқаро амалиётда кенг қўлланилувчи Баласса индекси усулларидадан фойдаланилди. Бу индексни аниқлаш мамлакатнинг бошқа мамлакатларга нисбатан мева-сабзавот маҳсулотлари бозоридаги нисбий устунлигини аниқлашга ёрдам беради.

Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти имкониятини Баласса индекс (BI)дан фойдаланиб аниқлаш қуйидаги формула орқали амалга оширилади: ¹¹

$$BI_i^t = (x_i / \sum X) / (x_{wi} / \sum X_w) \quad (1)$$

Бунда:

x_i – i -турдаги маҳсулотнинг хорижий бозорга экспорти ҳажми, (минг тонна);

X – танланган маҳсулотларнинг хорижий бозор умумий экспорти ҳажми (минг тонна);

x_{wi} – i -турдаги маҳсулотнинг барча мамлакатлардан танланган бозорга экспорти ҳажми (минг тонна);

X_w – танланган маҳсулотларнинг барча мамлакатлардан хорижий бозорга умумий экспорти ҳажми (минг тонна).

Танланган маҳсулот бўйича $BI_i^t > 1$ бўлса, мамлакат хорижий бозорида ушбу маҳсулотнинг нисбий устунлиги мавжуд ва рақобатбардош, аксинча, агар $BI_i^t < 1$ бўлса, бу турдаги мева-сабзавот маҳсулотлари хорижий бозорда нисбий устунликка эга эмаслиги, яъни рақобатбардош эмаслигини кўрсатади.

Россия жаҳондаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги товарларини импорт қилувчи асосий мамлакатлардан бири ҳисобланади. Таҳлил натижалари кўрсатадики, 2017 йилда Россияга экспорт қилинган 20 турдаги танланган маҳсулотларнинг 14 таси нисбий устунликка эга бўлиб, уларнинг барқарорлик даражаси нисбатан ўсиб борган. 2017 йилда 2005 йилга нисбатан янги узум, майиз, қовун, ўрик, гилос, шафтоли, олхўри ва хўл мевалар экспорти бўйича нисбий устунликка эришилган бўлса-да, 2017 йилда пиёз, сабзи ва шолғом, бодринг, булғор қалампари ва ерёнғоқ сингари баъзи маҳсулотларнинг нисбий устунлик даражаси (Revealed Comparative Advantage (RCA)) баҳоси 1 дан кам, яъни Россия бозорларида нисбатан кам даромад бўлиб қолганлиги маълум бўлди (2-жадвал).

2005 йилда Қозоғистонга экспорт қилинган 20 турдаги танланган мева-сабзавот маҳсулотларининг 12 таси нисбий устунликка эга бўлган бўлса, 2017 йилга келиб, уларнинг сони 19 тага етганлиги аниқланди. 2017 йилда 2005 йилга нисбатан лимон, ловия, майиз, шафтоли, олхўри, қуритилган булғор қалампари, хўл мевалар сингари маҳсулотларнинг нисбий устунлик даражаси ҳамда 2005-2017 йилларда Ўзбекистондан импорт қилинган маҳсулотларнинг барқарорлик даражаси нисбатан таъминланган.

¹¹ URL: <<http://www.fao.org/docrep/012/i1214e/i1214e06.pdf>>

**Ўзбекистон қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг Россия ва Қозоғистон
бозорларидаги нисбий устунлик кўрсаткичлари коэффициенти
(RCA) (2005-2017))¹²**

Маҳсулот номи	РОССИЯ БОЗОРИ				ҚОЗОҒИСТОН БОЗОРИ			
	2005 й.	2010 й.	2015 й.	2017 й.	2005 й.	2010 й.	2015 й.	2017 й.
Помидор	5.832	2.723	0.964	2,842	8,64	4,309	2,841	2,782
Пиёз	5.169	0.277	4.466	0,211	55,89	-	1,439	1,976
Карам	4.054	10.832	6.486	7,083	10,139	3,811	3,273	4,104
Савзи ва шолғом	3.638	1.198	3.843	0,587	11,811	1,457	3,467	4,602
Бодринг	4.540	1.033	0.537	0,446	24,627	5,131	3,647	2,609
Булғор қалампири	3.421	1.008	1.004	0,691	1,488	2,655	1,684	0,998
Сабзавотлар	16.351	26.423	88.930	53,914	10,12	5,389	4,9665	4,329
Қуритилган сабзавотлар	2.373	2.805	25.525	14,276	0,85	2,428	1,406	1,148
Ловия	12.184	5.429	17.803	2,192	-	4,512	1,585	3,062
Лимон	0.002	0.017	2.402	0,956	0,35	0,154	2,361	3,362
Узум янги	10.147	7.443	13.813	15,875	9,041	5,207	4,912	4,733
Қуритилган узум (майиз)	5.553	12.065	6.748	13,714	0,453	5,147	4,578	3,782
Қовун	16.940	17.718	37.448	30,715	6,634	5,820	4,742	4,790
Ўрик (янги)	13.982	17.617	8.093	25,034	68,983	3,953	4,690	5,020
Гилос янги	10.871	4.686	4.789	30,104	32,415	5,387	4,839	5,085
Шафтоли	2.151	3.557	4.299	10,785	0,386	3,597	1,792	2,212
Олхўри	8.661	6.584	2.333	13,871	-	4,876	3,259	4,922
Хўл мевалар	9.676	14.753	1.755	15,362	0,136	5,058	3,832	4,402
Қуритилган булғор қалампири	6.266	3.100	39.269	25,976	-	4,412	4,903	4,137
Ерёнғок (тозаланган)	2.110	4.882	0.099	0,372	6,123	4,535	3,956	2,473

Натижалардан кўриниб турибдики, Россия бозорларида экспортни диверсификациялаш натижасида мева-сабзавот маҳсулотларининг нисбий устунлиги 2005-2015 йилларда пасайиб кетган. Бунга асосий сабаб, биринчидан, 2008 йилдаги жаҳон молиявий инқирози бўлса, иккинчидан, Россия қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импортининг тахминан 50 фоизи Ўзбекистон экспорти таркибида бўлмаган чорва моллари гўшти, пишлоқ, чўчка гўшти, чўчка саласи, соя ловияси, янги узилган узум, олма, банан, доғланган ёғ ва қора чой каби маҳсулотлар ташкил этганлиги билан изоҳланади. Келгусида Ўзбекистон рақобатга киришадиган янги халқаро бозорларни топиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, аниқланган натижалардан мева-сабзавот маҳсулотлари экспортининг халқаро маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишда кўзда тутиш таклиф этилади.

¹² COMTRADE (2018) маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Россия ва Қозоғистон Республикасига экспорт қилинган мева-сабзавот маҳсулотларнинг Баласса индекси ўзгаришлари (2005-2017 йиллар)¹³

Кўрсаткичлар	2005 й.	2010 й.	2015 й.	2017 й.
Россия				
Ўртача (коэф)	4,13	4,28	10,48	12,55
Максимал (коэф)	23,9	29,27	95,26	84,23
BI>1 (%)	59,5	63,4	66,7	62,4
Қозоғистон				
Ўртача (коэф)	22,9	28,14	1,85	1,71
Максимал (коэф)	120,2	130,4	5,57	5,09
BI>1(%)	73,12	73,08	55,17	50,55

3-жадвал натижалари бўйича ВІнинг Россиядаги баҳоси асосан 2005-2017 йилларда сезиларли даражада ўсган ва бу юқори ўсиш 2005-2015 йиллар давомида 23,9 дан 95,26 гача максимал даражада ошган. ВІ ўртача қиймати 2005 йилги ўртача 4,13 дан 2017 йилда 12,55 га ошган. Бироқ мазкур даврда экспорт қилинган мева-сабзавотларнинг юқори кўрсаткичи (BI>1) 59,5 дан 62,4% гача ошган.

Ўзбекистон 2005 йилда Қозоғистонга 41 турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилгани аниқланган. РСА индексларининг ўртачаси 2005 йилда 22,9 ни ташкил этади. Энг максимал индекс 120,2 - ширин мия илдизи. Экспорт қилинган маҳсулотлардан (жами 41 та) 30 таси нисбий устунликка эга бўлиб, Баласса индекси 1 дан юқори бўлган. Бу жами экспорт қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 73,12% ини ташкил этади.

Қозоғистонга экспорт қилинган маҳсулотлар ВІ коэффициенти, асосан, 2005 йилда сезиларли даражада ўсган ва бу юқори ўсиш 2005-2017 йиллар давомида 120,2 дан 5,09 гача пасайган. ВІ ўртача коэффициенти 2005 йилги ўртача 22,91 дан 2010 йилда 28,14 га ўсган бўлса-да, максимал қиймати 2010-2017 йиллар даврида 130,4 дан 5,09 га тушган. Бироқ 2005-2017 йилларда экспорт қилинган мева-сабзавотларнинг юқори кўрсаткичи (BI>1) 73,12 дан 50,55 фоизгача тушганлиги ва барқарорлик даражаси ҳам нисбатан камайганлиги аниқланди. Мазкур йиллардаги ноқулай об-ҳаво шароити ҳамда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида нисбатан кам миқдорда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (цитрус, банан, палма мойи ва ҳоказо) ҳисобига Россия ва Қозоғистон давлатларида Ўзбекистонда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларининг рақобатбардошлик даражасини пасайишига сабаб бўлганлиги маълум бўлди.

Диссертация ишида Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотлари экспортига таъсир этувчи омиллар эконометрик модель асосида тадқиқ этилган. Модель сифатида халқаро савдо билан боғлиқ иқтисодий фаолиятга таъсир этувчи омилларни аниқлашда ишончли натижа бериши билан тан олинган ва бугунги кунгача ўз мавқеини сақлаб келаётган гравитацион моделдан фойдаланилди. Моделда базавий омиллар сифатида экспорт ва импортга таъсир этувчи Ўзбекистон ЯИМ, экспорт қилинаётган мамлакат ЯИМ, Ўзбекистонда қишлоқ

¹³ Муаллиф томонидан ҳисобланган

хўжалигида банд аҳоли сони, ҳамкор давлатларнинг шаҳар аҳолиси сони, мамлакатлар орасидаги масофа, қишлоқ хўжалигига киритилган инвестициялар ҳажми ва давлатлараро эркин савдо битимига оид келишувлар танлаб олинди.

Тадқиқот ишида Ўзбекистоннинг аграр маҳсулоти экспорти бўйича 10 та йирик ташқи савдо ҳамкорлари (5 таси МДҲ давлатлари ва 5 таси узоқ ҳориж давлатларининг 2005-2017 йиллардаги қишлоқ хўжалиги импорти кўрсаткичлари) танлаб олинди. Бошқача қилиб айтганда, регрессия макон ва замон бўйича (панел маълумотлари) асосида тўпланган статистик маълумотлар асосида амалга оширилди. Регрессион таҳлилда модель тенгламаси қуйидагича ифодаланади:

$$Y_{\text{экспорт}} = -9.79 + 0.13 * X_1 + 4.19 * X_2 + 0.73 * X_3 + 0.72 * X_4 - 0.11 * X_5 - 1.68 * X_6 + 2.13 * X_7 \quad (2)$$

$R^2 = 0,871$; $F = 76,4$: Барча ўзгарувчиларнинг коэффициентлари учун p - қиймати $0,05$ дан кичик. Эконометрик модель адекват ҳисобланади.

Бу ерда: $Y_{\text{экспорт}}$ - мева-сабзавотларнинг экспорт ҳажми; X_1 - Ўзбекистоннинг ЯИМ; X_2 - қишлоқ хўжалигида банд аҳоли сони; X_3 - иқтисодий ҳамкор давлатнинг ЯИМ; X_4 - иқтисодий ҳамкор давлатнинг шаҳар аҳолиси сони; X_5 - қишлоқ хўжалигига киритилган инвестициялар; X_6 - иқтисодий ҳамкор давлатлар орасидаги масофа; X_7 - давлатлараро эркин савдо битимига оид келишувлар.

Натижалардан кўриниб турибдики, моделда танланган кўрсаткичларнинг асосий қисми Ўзбекистон мева-сабзавотлари экспортига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Жумладан, қишлоқ хўжалигидаги бандлар таъсир даражаси энг юқори бўлиб, уларнинг бир фоизга ошиши мева-сабзавот маҳсулотлари экспортининг $4,19$ фоизга ошиши, ташқи иқтисодий ҳамкор давлатлар ялпи ички маҳсулотининг бир фоизга ошиши экспортни $0,73$ фоизга, шаҳар аҳолиси сонининг бир фоизга ошиши экспортнинг $0,72$ фоиз ошишига ҳамда интеграцион келишувларнинг бир фоизга ошиши мева-сабзавот маҳсулотлари экспортининг $2,13$ фоизга ошишига ижобий таъсир этиши аниқланди.

Аниқланган натижалардан кўриниб турибдики, экспортчи мамлакатнинг ЯИМ, унинг шаҳар аҳолисининг сони, иқтисодий ҳамкорлар орасидаги масофа ва интеграцион келишувлар мева-сабзавотлар экспортига таъсир этувчи муҳим омиллар (кўрсаткичлар) эканлиги аниқланди. Жумладан, ЯИМ юқори бўлган давлатлар импорт ҳажми ҳам юқори бўлади, шаҳар аҳолиси сони кўп ва урбанизация даражаси юқори бўлган мамлакатларда бошқа маҳсулотларга нисбатан мева-сабзавот маҳсулотлари истеъмоли юқори бўлиши маълум бўлди. Шунинг учун бундай мамлакатлар экспортчи мамлакатлар учун катта бозор бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ўз навбатида, мамлакатлар ўртасидаги масофа экспортга салбий таъсир этувчи муҳим омилдир. Бу, айниқса, денгизга яқин жойлашмаган давлатлар учун аҳамиятлидир. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда денгиз транспортдан фойдаланишдаги муаммолар экспортда транспорт харажатларининг ошишига олиб келмоқда. Хусусан, 2005 йилда битта юк контейнерининг ўртача баҳоси

3685 долл. бўлган бўлса, 2017 йилга келиб 5 минг долл.дан зиёдни ташкил этди. Бошқа давлатларда, хусусан, Туркия давлатида бу харажатлар 2017 йилда 990, Хитойда 823, Украинада 1880 долларни ташкил этган¹⁴.

Интеграцион келишувлар, эркин савдо битимлари ҳам мева-сабзавотларнинг экспортига ижобий таъсир этувчи муҳим омил эканлиги аниқланди. Чунки экспортни расмийлаштиришда талаб этилувчи ҳужжатлар сони ҳам экспорт муддати ва харажатларига салбий таъсир кўрсатиб келди (Ўзбекистонда 2018 йил ноябрь ойига қадар 13 та, Хитойда 4 та, Туркияда 7 та ва БААда 3 та ҳужжат талаб этилган)¹⁵.

Олинган натижалар мамлакатимиз мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини қўшни давлатлар (транспорт харажатлари паст) ва урбанизация даражаси юқори бўлган йирик давлатлар (йирик мева-сабзавот бозорлари)га йўналтириш яхши натижа беришидан гувоҳлик беради. Бунинг учун миллий мева-сабзавот ишлаб чиқарувчилар (экспортчи корхоналар) бу мамлакатлардаги мева-сабзавот бозорларини таҳлил қилиши ва ўз маҳсулотлари учун бозор имкониятини топиши зарур. Шу билан бирга мамлакатимизда мева-сабзавот экспортида транспорт харажатларини камайтирувчи ва етказиш муддатини қисқартирувчи логистик ечимлар топиш ўта долзарбдир.

